

СЕССИЯДА ТУМАН ҲОКИМИНИНГ МУРОЖААТИ ТИНГЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари томонидан берилган топшириққа асосан ҳалқ депутатларининг кенгайтирилган йиғилишларида туман, шахар ва вилоят ҳокимларининг 2020 йилги ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунларига ҳамда келгуси йилги режаларига бағишиланган мурожаатларини эшитиш топширилган.

Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг бугун бўлиб ўтган сессиясида ҳокимнинг ҳалқа мурожаати кун тартибидаги асосий масала бўлди.

Сессия бошланишидан олдин тумандаги тадбиркорлар ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва етиштирилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил қилинди.

Олтинчи чақириқ ҳалқ депутатлари Фурқат тумани Кенгашининг навбатдан ташқари ўн еттинчи сессиясининг бугунги ишида ҳалқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринbosарлари, сиёсий партиялар раҳбарлари, масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, туманимиз фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Шунингдек, сессияда Фарғона вилояти ҳокимининг ўринbosари - Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Аминжонов Сайдмурод Ғуломовичлар қатнашдилар.

Фурқат тумани ҳокими Солиев Дилмуроджон Жамоловичнинг 2020 йилги ижтимоий-иктисодий ривожланиш якунлари бўйича ҳисоботи, шунингдек келгуси йилги режаларига бағишиланган Аҳолига мурожаати тингланди.

-Бугун ҳар биримизнинг амалга ошираётган ишларимиз ва ҳаракатларимиз давлатимиз қудрати ва салоҳиятини янада ошириш, янги Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятидаги нуфузини юксалтириш, асосийи шу юртда яшаётган ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган, - деб сўзини бошлади туман ҳокими. Шунингдек у туманни “Қизил” худуддан чиқариш мақсадида “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилб, уни амалга ошириш учун чора-тадбирлар белгилангани ва туман фаоллари билан биргалиқда бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилаётганини таъкидлади.

Мурожаатда қайд этилганидек, туманда тадбиркорлик ташабbusлари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, худудларни жадал ва комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан:

2019 йил якуни бўйича саноат маҳсулотлари ҳажми 102,0 млрд.сўмни (96,3 %) ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни билан ушбу кўрсатгич 140,4 млрд.сўмни (100,7 %), 2021 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 141,8 млрд.сўмни (101,0 %) ташкил этиши кутилмоқда.

2019 йил якуни бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми 111,4 млрд.сўмни (103,4 %) ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни билан ушбу кўрсатгич 124,9 млрд.сўмни (101,2 %) ташкил этиши кутилмоқда. 2021 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 130,1 млрд.сўмни (104,2 %) ташкил этиши кутилмоқда.

2019 йил якуни бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 762,8 млрд.сўмни (107,6 %) ташкил этган бўлса, 2020 йил якуни билан ушбу кўрсатгич 854,9 млрд.сўмни (102,7 %) ташкил этиши кутилмоқда. 2021 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 879,6 млрд.сўмни (102,9 %) ташкил этиши кутилмоқда.

Туман аҳолисининг реал даромадларини ошириш бўйича 2020 йилнинг январ-ноябр ойларида тумандаги тижорат банклари томонидан оиласи тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 629 та тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга 13,0 млрд. 750,0 млн.сўм маблағ ажратилиб, 700 нафардан ортиқ ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорликка йўналтирилди ва доимий даромад манбаига эга бўлдилар.

Шунингдек, мурожаатномада барча йўналишлар бўйича амалга оширилган ишлар, бой берилган имкониятлар, келгуси давр учун кўзда тутилган режа ва мақсадлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди.

Ҳоким ўз мурожаатида каронавирус пандемияси даврида “Темир дафтар”га киритилган оиласларга кўрсатилган моддий ёрдамлар, уларни қўллаб-кувватлаш ва камбағалликдан чиқариш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида айтиб ўтди. Бундан ташқари “Аёллар ва Ёшлар дафтар”ларини шакллантириш борасида туманда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида айтиб ўтди.

Туман ҳокими Д. Солиев келгуси 2021 йилда амалга оширилши режалаштирилган ишлар ва олдимизда турган долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб, ушбу ишларни бажаришда хар бир раҳбар ва туман фаолларининг шахсий масулиятини ошириш, бу йўлда бир тану бир жон бўлиб харакат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мурожаат якунидаги туман ҳокими шундай деди:

- Шу кунларда келгуси йиллар учун аниқ мақсад ва режаларни белгилаб олишимиз керак. Янги йил арафасида барча ташкилот ва корхоналар, соҳа вакиллари ортда қолаётган йилда амалга оширган ишларини сарҳисоб қилиши, танқидий таҳлил қилиши, янги имкониятларни излаб топган ҳолда келгуси йиллар учун асосланган ҳамда пухта режаларни тузиши лозим.

Ҳаммамиз яъни ҳокимлик вакиллари, сектор раҳбарлари, ташкилот ва корхоналар етакчилари, депутатларимиз ва фаолларимизнинг асосий мақсадимиз - туманимиз, вилоятимиз ва мамлакатимизни янада тараққий эттириш, пировардида халқимизнинг фаровонлиги ва турмуш шароитларини янада юксалтиришга қаратилган.

Ўйлайманки, туманимизнинг олийжаноб халқи билан бир ёқадан бош чиқариб, келгусида ўз олдимизга қўйган мэрраларни албатта забт этамиш!

Музокараларда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари И. Жўраев, Т. Маматқулов, У. Эргашев, М. Рӯзиевалар сўзга чиқиб, мурожаат юзасидан фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдирилдилар.

Шунингдек, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бошқармаси бошлиғи С. Аминжоновнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Кун тартибидаги навбатдаги масалалар яъни “Қўқон сара чорваси” фермер хўжалиги фаолияти ахволи юзасидан халқ депутатлари туман Кенгашининг “Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича” доимий комиссияси раиси Т.Худойбердиевнинг ахбороти тингланди ҳамда 24-Ўртақўрғон сайлов округига бўшаб қолган ўринга халқ депутатлари Фурқат туман Кенгаши депутати сайловини тайинлаш тўғрисидаги қарор муҳокама қилинди.

Сессия кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фурқат тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.



2020-12-11 17:21:18